



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3.805 (2021)

2023/1

**TA'LIM VA
INNOVATION
TADQIQOTLAR**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**

TA'LIM VA INNOVASION TADQIQOTLAR
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 1, 2023
yanvar

<p>Muassis: Buxoro davlat universiteti Fan va ta'lim MChJ</p> <p>Bosh muharrir: Ma'murov Bahodir Baxshullayevich</p> <p>Jamoatchilik kengashi raisi: Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti rektori</p> <p>Tahririyat kengashi raisi: Maxmudov Mels Hasanovich</p> <p>Mas'ul kotib: Akramova Gulbahor Renatovna</p> <p>Texnik muxarrir: Davronov Ismoil Ergashevich</p> <p>Tahririyat manzili: Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy</p> <p>Telefon: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Jurnalning elektron sayti: www.interscience.uz</p> <p>Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil 30 sentyabrdagi 306/6-son Qarori bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX FANLARI bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsifiya etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan</p> <p>Bosishga ruxsat etildi: 20.12.2023 y. Qog'oz bichimi 60x84 1/8. b/t.12.5. Buyurtma raqami 12 «FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop etildi. Buxoro shahar</p> <p>Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqam bilan O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan</p> <p>Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va 2 oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabr oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi</p> <p>«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar» xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chirib bosish tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir</p>	<p>07.00.00 – TARIX FANLARI</p>	
	Тўраев А. И. Бухородаги туркманларнинг аъанавий турар жойлари ва ундаги замонавий ўзгаришлар	7
	Касим Одинабек Гафури Новый мировоззрений по изучении история Бухарского эмирата	14
	Сагатова З. Б. Туркий давлатлар ташкилотининг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар	20
	Шодиева Ш. С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва усмонийлар империяси ўртасидаги диний алоқалар	23
	Рахматulloев М. Х. Mustaqillik yillarida O'zbekistonda ommaviy axborot vositalari faoliyati tarixi	29
	Худайбердиева Г. Х. Совет ҳокимияти йилларида миллий маданият ривожигаги тўсиқлар ва унинг муаммолари тарихидан.	34
	10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
	Розикова Н. Н. Внедрение компетентностного подхода при изучении дисциплины "Русский язык"	40
	Холова М. А. Surxondaryo shevalari korpusiga sheva matnlarini ichki tizimga kiritish prinsiplari	45
	Муминова М. А. Ўзбек тилида “Time”/“вақт” семали бирликлар тадқиқи	52
	Хидирова М. А. “Жаҳолат” романи қаҳрамонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни	58
	Санақулов У. Алишер навоий шеърисида лайли ва мажнун тимсоллари поэтик таҳлили	62
	Norov O. Islomiy lirikada modernizm	67
	Karshiev R. Types and structures of interrogative sentences in modern english	72
	Xudoyqulova D. S. Takrorning stilistik xususiyatlari	81
	Норова Н. Б. Усмон қўчқор шеърисида табиат тасвири талқини	84
	Masharipova Z. Zebo mirzo ijodida ishq-muhabbat tarannumi	90
	Адилбекова А. Фонетические аспекты обучения произношению	95
	Наврұзова М. Ф. Афсун-дуоларда лексик бирликлар қамрови ва унда халқ жонли тилининг мавқеи	98
	Nusratova H. Ch. “ona tili va o'qish savodxonligi” fani bo'yicha yaratilgan darsliklardagi matnlarning mazmuniga qo'yilgan talablar	105
	Чутбаева А. Б. Современные трансформации русских и узбекских пословиц	110

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**MEMBERS OF THE PUBLIC COUNCIL**

- Djuraev Risboy Haydarovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Shamsutdinov Rustambek Temirovich, Professor of Andijan State University, Honored Worker of Culture of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences
Majidov Inom Urushevich, Doctor of Technical Sciences, Professor. National University of Uzbekistan.
Olimov Kahramon Tanzilovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Tashkent branch of the Russian State Pedagogical University named after AI Gertsen
Tadjikhodjaev Zokirkhoja Abdusattorovich, Doctor of Technical Sciences, Professor
Musurmonova Oyniso, doctor of pedagogical sciences, professor
Safarova Rohat Gaybulloevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after TN Qori-Niyazi.
Ibragimov Kholboy Ibragimovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbekistan University of World Languages

MEMBERS OF EDITORIAL COUNCIL

- Artamonova Ekaterina Iosifovna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, President of the Moscow State Pedagogical University, International Academy of Pedagogical Sciences
Emelyanova Irina Evgeneevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, South Ural State Humanitarian Pedagogical University. Russia
Kuzmenko Galina Anatolevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Moscow State Pedagogical University, Institute of Physical Culture, Sports and Health
Safaraliev Bozor Safaralievich, doctor of pedagogical sciences, professor. Chelyabinsk State Academy
Kulishov Vladimir Vasilevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine
Lazarenko Irina Rudolfovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Rector of Altai State Pedagogical University, Russia
Filippova Oksana Gennadevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. South Ural State Humanitarian Pedagogical University. Russia
Christo Kyuchukov, Doctor of Pedagogical Sciences. Professor of General Linguistics Psycholinguistics. Free University of Berlin, Institute of Turkology. Founder and editor of the International Journal of Psycholinguistics and Sociolinguistics, Germany
Kumskov Mikhail Ivanovich, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor. M.V. Lomonosov Moscow State University
Maksimenko Sergey Dmitriyevich, academician, doctor of psychological sciences, professor. Academician of the National Academy of Pedagogical Sciences of Ukraine
Padalka Oleg Semenovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, National Pedagogical University named after M.P. Dragomanova, Ukraine
Hazretili Tursun, Doctor of Historical Sciences, Professor of the International Kazakh-Turkish University named after Khoja Ahmad Yassavi
Timur Khuzhaugli, linguist and literary critic. Professor at the University of Michigan (USA)
Nurettin Hatunoğlu Assoc. Dr., Zonguldak Bulent Ecevit University, Faculty of Arts and Sciences, Department of History (Turkey)
Mullojanov Sayfullo Kuchakovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. National University of Tajikistan
Gushko Sergey Vladimirovich, Doctor of Economics, Professor, Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

SCIENTISTS OF UZBEKISTAN**History**

- Inoyatov Sulaimon Inoyatovich**, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University
Rajabov Kakhramon Kenjayevich, Doctor of Historical Sciences, Professor, Leading Researcher of the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan
Rashidov Oybek Rasulovich, Doctor of Historical Sciences. Bukhara State University

Philology

- Majidova Rano Urishevna**, Doctor of Philology, Professor, Uzbek State University of World Languages
Sharipova Laylo Frunzeyevna, Professor of the Department of Uzbek Language and Literature, Doctor of Philology. Bukhara State University
Yusupova Khilola Oktamovna, candidate of philological sciences, associate professor. Bukhara Engineering and Technology Institute
Ruziyeva Mohichehra Yakubovna, Doctor of Philosophy, Associate Professor. Bukhara State University

Pedagogy

- Tolipov Utkir Karshiyevich**, Doctor of Pedagogy, Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.
Olimov Shirinboy Sharofovich, doctor of pedagogical sciences, professor. Bukhara State University
Jurayev Khusniddin Oltinbayevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University
Tilavova Matlab Muhammadovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University
Dilova Nargiza Gaybullayevna, PhD in Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University
Sohibov Akram Rustamovich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Karshi State University
Umarov Bakhshullo Djurayevich, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University
Khasanova Gulnoz Kasimovna, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University
Inoyatov Abdullo Shodievich, Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Psychology

- Umarov Bakhridin Mingbayevich**, Doctor of Psychology, Professor. Tashkent State Pedagogical University
Bafayev Muhiddin Mukhamadovich, PhD in Psychological Sciences. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Economy

- Kurolov Kobuljon Kulmanovich**, Doctor of Economics, Professor. Director of the network center for retraining and advanced training of teachers of the Tashkent State Technical University named after Islam Karimov
Mamanazarov Abdulkhakim Bozorovich, candidate of economic sciences, associate professor. Tashkent branch of Moscow State University. M.V. Lomonosov

Philosophy

- Namozov Bobir Baxriyevich**, Doctor of Philosophy. Bukhara State University

Politics

- Djumayev Rustam Ganiyevich**, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Biology

- Artikova Khafiza Tuymurodovna**, Doctor of Biological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

07.00.00 – TARIX FANLARI

БУХОРОДАГИ ТУРКМАНЛАРИНИНГ АЪНАВИЙ ТУРАР ЖОЙЛАРИ ВА УНДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

*Тўраев Анвар Исмоилович,
Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада Бухоро воҳасига кўчиб келган туркманларнинг турар жойларини қуришида табиий-географик шароитни инобатга олиниши, уй жойлар учун ишлатилган аънавий материаллар, ўзига хос меъморчилик услуби, уйларнинг жиҳозланиши, хўжалик биноларининг бир-бирига боғлиқ ва фарқли жиҳатлари, туркманларнинг хўжаликдаги машғулотлари, касб-корлари билан турар жойларнинг ўзаро боғлиқлик томонлари бирламчи манбалар, дала тадқиқотлари ва адабиётлар таҳлили орқали ёритиб ўтилган. Аънавий турар жойларнинг замон талаблари асосида ўзгариб бориши, уй-жойлар билан боғлиқ аънава ва урф-одатлар кабилар ҳам ушбу мақолада очиб берилган.

Таянч атамалар: қўриқ ва бўз, ирригация – мелиорация, гувала, каппа, лой сувоқ, қора уй, омборхона, айвон, мартхона, чўл-адирлар, ер гумма, кигиз босиш, шўртоқ, зах, сизот сувлар.

ТРАДИЦИОННЫЕ ПОСЕЛЕНИЯ ТУРКМЕН В БУХАРЕ И СОВРЕМЕННЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В НИХ

*Тураев Анвар Исмаилович,
Кафедра “Всеобщей истории” Бухарского государственного
университета
старший преподаватель*

Аннотация. В данной статье рассмотрены природно-географические условия при строительстве поселений туркмен, переселившихся в Бухарском оазисе, традиционные материалы используемые для жилищ, архитектурный стиль, оборудование жилищ, связанные и различные стороны хозяйственных построек, обсуждается деятельность туркмен в хозяйстве, занятия и места жительства, выделяются взаимосвязанные аспекты с помощью первоисточников, полевых исследований и по обзорам источников. В статье также раскрываются изменения традиционных жилищ исходя из требований времени, традиций и обычаев.

Ключевые слова: целина, ирригация – мелиорация, гувала, каппа, глиняная шtukатурка, черный дом, склад, крыльцо, склад, пустыни, холмы, земля, изготовление войлок, осолённая земля, сырость, поймы.

TRADITIONAL SETTLEMENTS OF TURKMEN IN BUKHARA AND MODERN CHANGES IN THEM

*Turaev Anvar Ismailovich,
Department of «General History» of the Bukhara State University
Senior Lecturer*

Annotation. This article discusses the natural and geographical conditions during the construction of settlements of Turkmens who settled in the Bukhara oasis, traditional materials used for dwellings, the architectural style, equipment of dwellings, related and various aspects of outbuildings, the activities of Turkmens

in the economy, occupations and places of residence are discussed, interconnected aspects through primary sources, field studies and reviews of sources. The article also reveals changes in traditional dwellings based on the requirements of time, traditions and customs.

Keywords: virgin land, irrigation - land reclamation, guvala, kappa, clay plaster, black house, warehouse, porch, warehouse, deserts, hills, earth, felting, salty earth, dampness, floodplains.

Кириш. Ҳар бир халқнинг шу ҳудудда яшаб келаётган бошқа халқлардан ажратиб турадиган фарқли жиҳати, бу уларнинг кийим-кечаклари, турар жойлари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моддий маданияти билан боғлиқ ҳисобланади. Халқларнинг моддий маданиятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуднинг табиий-географик шарт-шароитига, хўжалик машғулотларига ҳам боғлиқ бўлади. Қадимда туркманлар турмуш тарзи асосан кўчманчи ёки ярим кўчманчи, XIX охири XX асрлар бошларидан эътиборан уларнинг миграцион мобиллиги ошди. Чор Россияси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ҳамда хўжалик ҳаётини замон талаблари асосида ташкил этишга интилишлар аҳоли ўтроқлашувни таъминланган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Бухоро ҳудудига XVI асрдан бошлаб табиий, иқтисодий, сиёсий омиллар таъсири натижасида кўчиб келган туркманларнинг хўжалик машғулотлари, турар жойлари бугунги кунга қадар илмий жиҳатдан кам ўрганилган. Шу сабабдан, бу мавзунини тадқиқ этишда туркманлар яшаб келаётган қишлоқларда олиб борилган дала тадқиқотлари асосий манба вазифасини бажаради. Қолаверса, бирламчи манбалар, интернет материаллари, ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўпламларни ҳам ўз навбатида мавзу мазмунини оидинлаштиришга хизмат қиладиган манбалар сирасига киради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу ишда туркманларнинг анъанавий турар жойларининг замонавилашув жараёнлари қиёсий таҳлил қилиниб, тарихий воқеаликлар хиранологик кетма-кетлик орқали ёритилиб ўтилди. Шуинингдек, этносоциологик (сўровнома, кузатув ва суҳбат) усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Тарихдан маълумки, аксарият ҳолларда аҳоли бориб қўним топган манзилларда хўжаликда деҳончилик ва чорвачилик қилиш учун етарли имкониятлар-қурғоқчилик, ерларнинг кўриқ ва бўз бўлиши, ирригация - мелиорация тизимлари мавжуд бўлмаслиги таъсирида туркманларнинг мажбурий кўчишларига зарурият туғилди. Бундай ҳолатни кўп бошидан кечирган туркманлар қурадиган уйларида доимо яшаб қолмасликларини англаган ҳолда уй қурилишига кўп ҳам куч ва маблағ сарфлашни истамаганлар. Шунинг учун, Бухоро воҳасида яшаган туркманларнинг анъанавий уйларининг кўриниши ҳудуддаги маҳаллий аҳолининг уйларига нисбатан оддий, бир ёки икки хонадан, пастқам (уйнинг кўриниши паст) бўлиб, асосан паҳсадан, ғишт (хом ғишт), гуваладан бўлиб, шароити етмаган аҳоли кўпинча каппа уйларда яшаганлар. Каппа уй қақра қамишдан тўқилган бўлиб, икки томони сомон сувоқ қилинган, ўтирадиган жой эса қалин лой сувоқ билан қопланган бўлган[1].

Воҳа туркманларининг анъанавий уйлари уларнинг хўжалик машғулотлари билан боғлиқ ҳолда қурилганлигини кўришимиз мумкин. Ўтроқ турмуш тарзида яшаётган аҳоли шу ерлик маҳаллий аҳоли вакилларининг уй-жойларининг кўринишига мос ҳолда қурган бўлсалар, чорвачиликни касб қилиб олган

туркман оилалари ўтов уйларда истикомат қилиб келганлар.

Одатда, Бухорода ўтроқ ҳолда яшаб келган аҳоли анъанавий уйларини қуришда табиий, арзон, кам харажатли бўлишини ҳисобга олиб, тупроқ-лойдан қурилган пахса уйларда истикомат қилишни афзал билганлар. Пахса уйларнинг ўзига хос қулайлик ва афзаллик тарафлари бўлиб, биринчидан, бундай уйларни қуришда махсус уста ҳунармандарга эҳтиёж сезилмаган, иккинчидан, эса киш фаслида иссиқ, ёзда эса салқин бўлган, учунчидан, эса мустаҳкам ва пишиқ бўлиб, узоқ йиллар мобайнида истикомат қилиш имконини берган. Асосан, бундай уйлар қуришда маблағ кўп талаб қилинмаган бўлсада, лекин меҳнати бирмунча оғир бўлган. Пахса уйларнинг баландлиги 1.8 метрдан 2 метргача бўлиб, том қисмида туйнук очилиб, совуқ вақтларда уй ўртасида ёқилган оловнинг тутуни шу туйнуқлардан чиқиб кетган[9.68.]. Бугунги кунда Бухорода бундай пахса уйлар нисбатан кам қурилсада, илгари бунёд бўлган бу турдаги уйлардан аҳоли кенг фойдаланиб келаётган бўлиб, асосан омборхона сифатида яъни, хўжаликга тегишли меҳнат қуроллари, дон ва ортиқча сабзовот маҳсулотларини сақлашда фойдаланадилар.

Кўчманчи туркман чорвадорларининг асосий вақти чўл-адирларда ўтган бўлиб, улар кўчириш осон бўлган кўчма ўтовларда (қора уй) яшаганлар. Чўпонлар бир ҳудудда бир ҳафта ёки ўн кун қолсалар кейин эса, бошқа чорва ўтлайдиган жойларга кўчиб ўтганлар. Чунки, ўша ернинг ўт-ўланлари тугаб бўлгач, улар янги ўтлоқ манзилгоҳлар излашга мажбур бўлганлар. Шунинг учун ҳам чўпонлар доимий яшаш учун уй қурмаганлар. Ўтовлардан кўп ҳолларда чорвадорлар ёзги яшаш жойи сифатида фойдаланиб келганлар. Бундай уйларнинг асосини ёғоч устунлар ташкил қилиб, ички қисмида ёз фаслида қамишдан тўқилган буйра, қишда эса, кигиз мато тўшалган ҳолда истикомат қилганлар. Уйнинг яшаш жойи цилиндр шаклида бўлиб, уй йиғиладиган ёғоч панжаралардан иборат бўлган. Ўтовлар қор ва ёмғирлардан, чанг тўзондан эскириб, қорайиб кетиши оқибатида улар ҳам қора уй деб аталган[11.21.].

Чўлдаги туркманларга тегишли уйлар ёз фаслида иссиқдан, қишда совуқдан, довул, чанг-бўронлардан ҳимояланиш билан бирга, чўлдаги ҳашоратлардан чаён, калтакесак, сичқон, судралиб юрувчи илонлардан сақланувчи ҳимоя кўрғони сифатида мартхона деб номланган уйлардан ҳам фойдаланганлар. Бундай уйларни тиклаш осон бўлиб, уйни асосини чўлда кўп учрайдиган қалин тиканли ўсимлик (чақиш) ва тупроқ ташкил қилган. Уй деворларини қуришда бир қат тиканли ўсимликлардан, бир қати эса тупроқ билан тўлдирилган ҳолда бўлиб, бундай уйларнинг ўртасида олов ёқиб исинганлар. Чақиш ўсимлигининг тиканлари ўткир ва тикис жойлашганлиги учун тиканлар орасидан зараркунанда ҳашоратлар уй ичига қира олмаган[2]. Чорвадорлар бундай турдаги уйлардан ёз ва куз фаслларида кўп фойдаланганлар. Чунки, чўл-адирларда бу даврда ҳаво ҳароратининг исий бориши туфайли, кўплаб ҳашорат ва илонлар ернинг юза қисмига чиқа бошлаши натижасида, чўпонлар ҳаётига хавф-хатар туғдирган. Ҳаво ҳароратининг совиб бориши муносабати билан улар ўтовларга кўчиб ўтганлар.

Чўпонлар яшаб келган мартхона ва ўтовдан фойдаланиш XX аср бошларигача давом этиб, кейинчалик бундай уйларнинг ўрнини, бир жойдан иккинчи ҳудудга кўчириб олиб юриш учун мўлжалланган ғилдиракли вагон уйлар, хом ғиштдан қурилган ёки давлат томонидан қуриб берилган бетон уйларда яшаганлар. Қишлоқ жойларда яшаб келган аҳолининг аксарият уйлари ва хўжалик бинолари XX асрнинг 50-60 йилларигача хом ғиштдан ёки пахсадан

қурилган. Бундай турдаги турар-жойлар қанчалик мустаҳкам бўлса ҳам 9 балли зилзилага бардош бера олмаган[11.83.]. Бухорода 1976 йилда юз берган зилзила оқибатида кўплаб аҳоли вакилларининг яшаб келаётган уйлари вайрон бўлган ёки турли ҳолатларда зарар кўрган. Яна шунингдек, табиий ҳодисалар юз беришини ўйлаган ҳолда аҳоли иморатнинг асосини ёғочдан, ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши учун қўш синчли қилиб қура бошлаганлар.

Пахса уйларга нисбатан синчли уйларнинг хоналари сони бирмунча кўпроқ бўлиб, бундай уйларни қуришда оила аъзоларини сони этиборга олинган. Аҳоли қиш фаслида совуқ кунлар кўп бўлишини инобатга олган ҳолда уйларни паст ва истиқомат қиладиган хоналарини кичикина қилиб, уй ўртасида бўйи ва эни бир хил 80 см келадиган сандал жойлаштирганлар. Анъанавий турар жойларда яшаб келган ҳар бир хонадон вакиларини уйларида сандал мавжуд бўлиб, унинг устуга кўрпа ташланган ва сандал тевагаида оила-аъзолари қўл-аёқларини иситганлар ва кечқурун умумий кўрпага ўраниб ётганлар.

Дехқонлар томонидан куз фаслида йиғиб олинган сабзовот, полиз, боғдорчилик маҳсулотларини қишда совуқда музлашидан асраш учун Бухорода баъзи уйларни остида ертўласи ҳам бўлган[7.85.]. Туркманлар уйларидаги бундай ярим ертўла қисмини “ер гумма” деб юритганлар[3]. Лекин, воҳадаги уй-жойларнинг ҳаммасида ҳам ертўла қисми мавжуд бўлган деб бўлмайди, чунки, биринчидан, ертўла аҳоли истиқомат қилиб келаётган уйнинг остки қисмида жойлашгани учун, хонани иситиш бирмунча қийин кечган, иккинчидан, Бухоро худудидаги аксарият ерлар шўртоқ бўлгани учун деҳқонлар қиш мавсумида далаларни шўрнини ювиш мақсадида камида уч мартагача ерни суғорганлар. Бунинг оқибатида ернинг юқори қисмига сизод сувлар чиқиб турган ва бу ўз навбатида уйнинг ертўла қисмида сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларни қиш фаслида совуқ уришига, баҳорда эса ҳаво ҳароратининг исий бориши натижасида бундай маҳсулотлар истемолга ёроқсиз ҳолга келиб қолишига олиб келган. Бугунги кунда бундай кўринишдаги ертўлалардан туркман аҳолиси деярли фойдаланишмайди. Уларнинг ўрнида кўпроқ хўжаликда етиштириладиган дон, арпа, сабзовот, боғдорчилик, полиз маҳсулотлари ҳамда деҳқончиликда зарур бўлган меҳнат қуролларини сақлаш учун хом ғишт ёки ёғочдан тикланган омборхона уйларида кенг фойдаланиб келмоқдалар. Ўзига тўқ хонадон эгалари эса, турар жойларининг ертала қисмини замонавий кўринишда ернинг устки қисмида тик бетон ёки пишган ғишт орқали қураётганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

XX асрнинг 30-40 йилларида Бухорога кўчиб келиб, ўтроқ турмуш тарзини танлаган туркманлар уй жойларни қуришда, географик жойлашув, қуёшнинг йўналиши, иқлимга қараб ёзги хоналарни шимолга қаратиб қурган бўлсалар, жанубий томонларда қишги хоналар қуришга катта эътибор берганлар. Шунингдек, уй қуришда диний одатларга ҳам амал қилинган ҳолда, меҳмонхона эшигини қибла томонга қаратиб қурмаганлар. Уйга келган меҳмон қибла томонини осон топиш учун ўша тарафига токча ва уйнинг тепа қисмига туйнукча ўрнатганлар. Туркманлар уй-жойларининг ўзига хос ажралиб турадиган жиҳати ҳар бир ҳовлида айвон бўлган[6.131.]. Айвон соябон вазифасини бажариб, қишда уйни совуқдан ёзда эса жазирама иссиқдан сақлаш билан бирга, уйга кириб чиқиш йўлаги вазифасини ҳам бажариб берган. Асосан, бундай иншоатларни қуришда биринчи ўринда табиий-иқлим шароити яъни, оила аъзолари яшайдиган жойни совуқдан, шамолдан, довулдан сақлаш мақсадида айвонни уйга нисбатан пастроқ қилиб қурганлар. Чунки, аксарият туркман оилалари истиқомат қилиб

келган ҳудудлар кенглик, бир тамони дашт билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, қиш ойларида ёғингарчилик, қор-бўронли кунлар кўп бўлиши айвонли уйларни қуриш эҳтиёжини келтириб чиқарган [4].

Бухородаги турар жойлар XX аср ўрталаригача ёғоч маҳсулотлар кириб келгунига қадар, уйнинг ички пол қисмига хом ғишт ётқизиблиб, усти лой сувоқ қилинган. Шунингдек, айрим туркман аҳолиси яшаб келган ҳудудларда намгарчиликнинг кўп бўлиши сабабли пахса уйларнинг ички қисмидан 30-40 см гача тупроқ қазиб олиниб, тўқайларда, чўл ва ариқ бўйларида табиий ҳолда ўсадиган [12] бутасимон ўсимлик жангал тиканни келтириб уй ичига тўшаганлар ва унинг устидан қалин сомон сувоқ қилганлар. Жангал тикан нам, захни ўтказмаган, чиримаган, шунинг учун, бундай усулдан кенг фойдаланилган.

Туркманларнинг ота-боболари хўжаликда чорвачилик билан машғул бўлганликлари учун уларнинг авлодлари ҳаётида XX аср ўрталаригача деҳқончилик билан бир вақтда ўзлаштирилмаган қуруқ ва бўз ерларда кўй-эчкилар боқиб келганлар. 1929-1939 йиллар давомида ҳукумат томонидан ўтказилган жамоалаштириш сиёсати натижасида, Бухородаги туркманларнинг кам сонли аҳолиси чорвачилик билан банд бўлган бўлсаларда, ўз навбатида чорвачилик уларнинг моддий маданияти бўлмиш турар жойларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Жумладан, туркманлар истиқомат қиладиган уйларида нам ва зах ўтишидан ўзларини ҳимоялаш мақсадида, кўй жунидан таёрланган мустаҳкам бўлган кигиз тўшаб ўтирганлар. Уни таёрлаш қўл меҳнати орқали амалга оширилган бўлиб, кўй жуни толасини бир-бирига бирикиши учун узоқ вақт уни тирсак орқали урганлар. Кигиз босиш машаққатли иш бўлишига қарамасдан, туркманлар ўз хонадонлари билан бирга, қўшни маҳаллий аҳоли вакиллари уйлари учун ҳам кигиз таёрлаб берганлар. Шунингдек, қиш кунларида уйнинг остонасининг кириш йўлагига кўй ёки эчки териси тўшаб кўйганлар. Маҳаллий шароитда аёл ва қизлар кўй ва эчки жунидан ип йиғириб, улардан бежирим гиламлар тўқиганлар. Бу гиламлар ўзининг сифати билан бошқа ҳудудда таёрланган гиламлардан қолишмаган. Гилам тўқишдаги ўзига хос сир-асрорларни ёшлар тажрибали узоқ вақт шу соҳа билан шуғуланиб келган моҳир туркман хунармандларидан ўрганганлар. Бухорода яшаб келган туркманлар билан қушни Туркманистон ССР даги туркманлар ўртасида ўзаро қавм-қариндошлик алоқалари мустаҳкам бўлиб, улар шу касб эгаларидан гилам тўқиш сирларини бориб ҳам ўрганганлар.

Когон туманидаги Сорғун, Паракти, Сурхиён, Оқчамамат, Бухоро туманидан Янги турмуш МФЙ қарашли қишлоқларга XX аср 30-йилларида кўчиб келган туркманларнинг аксарияти Қашқадарё вилоятининг Помиқ туманидаги чорвадор аҳоли вакиллари бўлган. Кўчиб келган туркманларнинг авлодлари хўжаликда чорвачиликни касб қилиб олганликлари сабабли, улар ҳам ҳудуддаги шўртоқ, зах, сизод сувлар чиқиб турадиган ерларда кўй ва қора молларни XX асрнинг ўрталаригача боқиб келганлар. Туркманларнинг аксарият аёл ва қизлари ўтган асрнинг 70-80 йилларгача ўтирадиган уйлари учун гилам тўқиганлар.

Туркманларнинг ҳар бир хонадомида истиқомат қилиш учун уйлар билан бирга хўжаликда зарур бўлган тадирхона, омборхона, чорва моллари учун молхона, ёз ва куз ойларида далалардан йиғиб-териб келинган ўт ва самонни қишдаги қор ва ёмғирли кунларда чиришини олдини олиш мақсадида самонхона қурганлар. Хўжалик биноларини ҳам турар жойлар сингари табиий иқлим ва ўзига хос қулайлик томонларини инобатга олган ҳолда қурганлар. Жумладан, кўп сонли туркман аҳолиси тандурхона, молхонанинг олд қисмини қуёш

нурлари тушадиган, омборхонани эса аксинча у ерда сақланаётган хўжалик маҳсулотлар сифати йўқотмаслиги учун шамол эсиб турадиган шимол томонга қаратадиб қуриш урф бўлган. Турар жойга туташ бўлган омборхонага нисбатан тадирхона ўт ёқилганлиги учун узокроқда жойлаштирилган бўлиб, XX асрнинг 70-80 йиларигача кўп хонадонларда алоҳида тандирхона қисми бўлмаган. Тандур қуришда кенглик жой танланиб, қишнинг совуқ, ёғингарчилик, ёзнинг жазира кунларида ҳам нон кўчада ёпилган[5]. Бугунги кунда тандирхона ошхона билан бирга ёнма-ён ҳолда, яшайдиган уйга яқин масофада қирилаётгалигини кўришимиз мумкин. Сабаби, аҳоли сонининг кўпайиб бориши натижасида қурилаётган янги турар жойларнинг жами ҳовли ерининг ўлчами 6 сотик бўлиб, шу ерда уй, молхона, омборхона, тандурхона қуриш яхши бир анъанага айланди[8.76]. Ҳозирда туркманлар яшайдиган қишлоқлардаги уйлар ҳам шаҳардаги каби бир хил кўйришда яъни кўча ҳолатида қурилиётганлиги ўз навбатида тандурхона, молхонанинг олди томонини истакларига кўра қуёшга ёқи қиблага қаратадиб қуриш айрим уй эгалари учун имконсиз ҳисобланади.

XX аср бошларидан уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш анъаналарига бир оз янгиликлар жорий этилди. Дастлаб пишган ғиштдан уй қуриш, тунука билан том ёпиш, деразаларга ойна солиш ва кўча томонни очиш каби янгиликлар оддий хўжаликларда пайдо бўлади. Керосин, кейин электр лампаси, фабрика ва заводларда ишланган уй-рўзғор буюмлари ишлатила бошлайди. Қишлоқ уйларида ҳам анча янгиликлар пайдо бўлади, айниқса, қурилиш материаллари ва услубида кўпгина ўзгаришлар рўй беради[7.148.].

Бугунги кунда маҳаллий ўзбек, тожик аҳолиси билан биргаликда туркманлар ҳам янги уйга кўчганлари шарафига “уй тўйи” қилиб, бу маросимга хонадон вакиллариининг қавм-қариндошлари, қўни-қўшнилар ва қишлоқнинг нурунийлари чақирилади. Дастурхонга ноз-неъматлар қўйилиб, кексалар қўллариини дуога очган ҳолда, қуръондан тиловат қиладилар. Уй тўйида қатнашаётган ушбу хонадонга яқин бўлган меҳмонлар ўзлари билан бирга имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мебель, гилам, ошхона жиҳозлари, идиш-товоқ ва бошқа уй-рўзғор буюмларини тўёна сифатида олиб келганлар. Ҳозирда аксарият “уй тўйи” га келган меҳмонлар, қўни-қўшнилар томонидан ўзаро пул йиғилиб, замонавий музлатгич, телевизор ёки бошқа буюмлар сотиб олиниб, ҳада қилинилади ёки тўпланган пул хонадон егасига берилади.

Туркман хонадонларида бугунги кунда уй-жой билан боғлиқ айрим урф-одат, анъаналар сақланиб келаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, қизнинг тўйи бўладиган кунни ота уйдан чиқиб кетаётганда, отаси яшайдиган уйнинг остонасига миннатдорлик рамзи сифатида берган тарбияси ва ҳалол риск бериб вояга еткизгани учун отасининг тиззасига уч маротаба бош қўйиб, сўнг бўлажак турмуш ўртоғининг уйига кетади.

Хуллас, инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳар бир муҳит ўзининг яшаш шароити билан боғлиқ ҳолда ажралиб туради. Бухоро туркманларининг ўзига хос локал турар жойлари бошқа халқларнинг турар жойларидан бир оз фарқ қилиб келган. XX аср ўрталаридан уйни тахтали пол қилиш, томни шифер билан ёпиш бошланди. Кейинчалик икки қаватли уйларнинг қурилиши жуда кенг тарқалди. Бухоро туркманлари турмуш тарзида янгича уйларнинг қурилиши бу соҳада туркман миллий маданиятининг йўқолишига олиб келган. Бугунги кунга келиб туркманларнинг аксарияти замонавий турар жойларда истикомат қилиб келмоқда, десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати



Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Бухоро туман, Чорраҳа қишлоғи. 2022 йил
Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Ромитон туман, Ҳофизии рабоб қишлоғи.
2021 йил.

Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Ситораи Мохи-Хосса М.Ф.Й., Махтумқули
қўчаси. 2022 йил

Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Ромитон туман, Ҳофизии рабоб қишлоғи.
2022 йил.

Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Бухоро туман, Ипакчи қишлоғи. 2022 йил.

Doniyorov A., Vo'riyev O., Ashirov A. Markaziy Osiyo xalqlar etnografiyasi.
–Т.: “Nif Mish”, 2020. –В. 323.

Жабборов И. Ўзбеклар. –Т.: “Шарқ”, 2008. –Б. 311.

Искандаров Ш. А. Ўзбекистон Араблар эномаданий идентиклигининг
шакилланиши ва трансформацияси. Тарих фан.докт. ...дисс. – Тошкент, 2019.
–Б. 188.

Толстова С.П., Жданко Т.А., Абразона С.М., Кислякова Н.А. Народы Средней
Азии и Казахстана. Москва, Издательство академии наука СССР, 1963. –С. 153.

To'uchiyev N. Vino va inshootlar kanstruksiyasi. –Т.: “Vorisi” 2010. –В. 240.

Эгамберганова М. Ж. Хоразим воҳаси туркманлари этномаданий ўзлигини
англаш: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар (тарихий-энологик
тадқиқот). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати. – Ургач, 2022. – Б. 55.

Чинғил.[https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/
O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20Ch%20harfi.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20Ch%20harfi.pdf) (27.11.2022
й) санасида ҳаволага мурожаат қилинди.